

## **DEVELOPING CONVENIENT INVESTMENT CLIMATE AND IMPORTANCE OF ITS INFLUENCING FACTORS**

This article emphasizes the importance of a comfortable investment climate for investment. The factors affecting the investment climate are analyzed. There are scientific findings and suggestions on how to create a convenient investment climate.

**Key words:** investments, convenient investment climate, investment attractiveness, investment potential, investment risk, competitiveness.

The level of modern economic development of each country is directly linked to active investment, which is a convenient investment climate, which determines whether the economy will grow and develop.

Creation of convenient investment climate is one of the most important conditions of the state investment policy. Convenient investment climate creates wide opportunities for addressing such important priorities as socio-economic development of the country, modernization and diversification of production, increasing competitiveness of the national economy.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 N UP-4947 “On the strategy of further development of the Republic of Uzbekistan” The strategy of action “The improvement of the investment climate, active attraction of foreign, first and foremost, direct foreign investments in the sectors and regions of the economy”.

Investments are both a macroeconomic growth factor and a competitive economy. As the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev noted: “For this reason, investing is not the driver of the economy, in Uzbek words, the heart of the economy. Along with investment, new technologies, best practices, highly qualified specialists come into various industries and sectors, and entrepreneurship develops rapidly”.

In modern conditions, objective is to ensure competitiveness of the economy in domestic and foreign markets, active investment policy in achieving sustainable economic growth, including the creation of convenient investment climate.

Economic literature shows that the investment climate and its formation depend on many factors. The theoretical foundations of the creation of a favorable investment climate are reflected in the research of many foreign scientists, including the research of P. Drucker, Y. Schumpeter, D. Hicks and others.

Problems of forming, analyzing and evaluating a favorable investment climate in ensuring economic stability from the economists of the CIS Smaglyukova T.M., Anyshin V.M., Esipov V.E., Ivanchenko V.A., Tumusov F.S. and is widely covered in the scientific work of others.

In particular, Russian economists Brodsky M. and Kostenko S. “The investment climate is defined as the conditions for the effective attraction and development of long-term and medium-term investments in various sectors of a particular country or region”.

Rayzberg B., Lozovsky L., Starodubtseva E. According to them, “the investment climate is the economic, political and financial conditions that affect the inflow of domestic and foreign investments in the economy of the country”.

The inflow and development of investments in each country is directly dependent on the factors influencing the investment climate in that country.

The specificity of the investment climate is determined by the general features of economic, social, organizational, legal, political and other conditions that determine the feasibility and attractiveness of the activity. The interrelated set of these factors influencing investment activity is the key investment climate in the economy of a country.

In our opinion, the creation of a favorable investment climate in the country and increasing the investment attractiveness of the region are important for ensuring macroeconomic stability in the country.

Taking into account the factors influencing the formation of a favorable investment climate in the country, one can conclude that the state investment policy is important for attracting foreign investment.

Based on the aforementioned theories and information, the following reforms in the formation of a favorable investment climate can be highlighted:

- Political stability;
- Creation of a strong legal basis for the protection of private property;
- Existing competitive environment among manufacturing entities;
- Creation of infrastructure to support investment processes;
- Availability of highly qualified personnel, etc.

In the conditions of innovative development of the economy, ensuring sustainable growth in the national economy and international competitiveness depends on the active investment policy of the country and the establishment of integration links with other countries.

It should be noted that liberalization of the economy, public administration reform, restriction of interference in the activities of business entities, reduction and simplification of licensing and permitting procedures, as well as ensuring access to goods are necessary in order to create the most favorable investment climate for attracting direct investments in the country. large-scale infrastructure development activities have been undertaken.

It is necessary to attract more foreign investments into the economy of the country, to create clusters and to create clusters, which are the innovative factor in the creation of favorable investment climate. Organizational development of the innovation environment in the country also yields positive results, and through the effective functioning of the innovation environment a favorable investment climate is formed.

In conclusion, it is necessary to ensure the competitiveness of the national economy, to continue modernization and diversification of the leading sectors of the economy, to create a more favorable investment and business environment for businesses, to create high-tech, competitive products with high added value, to implement investment and innovation projects.

**Бакиева Ирода Абдушукуровна**  
**ТМИ “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.**

## **ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

Мақолада инвестициялар жалб этишда қулай инвестицион муҳитнинг аҳамияти ёритилган. қулай инвестицион муҳитга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган. Қулай инвестицион муҳитни шакллантириш бўйича илмий хулоса ва таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, қулай инвестиция муҳити, инвестицион жозибadorлик, инвестиция салоҳияти, инвестиция хатари, рақобатбардошлик.

## **РАЗВИТИЕ УДОБНОГО ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА И ЗНАЧЕНИЕ ЕГО ФАКТОРОВ ВЛИЯНИЯ**

В этой статье подчеркивается важность удобного инвестиционного климата для инвестиций. Анализируются факторы, влияющие на инвестиционный климат. Есть научные выводы и предложения о том, как создать удобный инвестиционный климат.

**Ключевые слова:** инвестиции, удобный инвестиционный климат, инвестиционная привлекательность, инвестиционный потенциал, инвестиционный риск, конкурентоспособность.

### **Кириш.**

Ҳар бир мамлакатнинг замонавий иқтисодий ривожланиш даражаси бевосита фаол инвестицияларга, бу эса, иқтисодиёт бир текис ўсиб бориши ва тараққий этишини белгиловчи қулай инвестицион муҳитга боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Қулай инвестиция муҳитини шакллантириш давлат томонидан амалга ошириладиган инвестиция сиёсатининг энг муҳим шартларидан биридир. Қулай инвестиция муҳитининг шаклланганлиги мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификациялаш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш каби муҳим устувор масалаларни ҳал этишда кенг имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш” [1] вазифалари белгилаб берилган.

Инвестициялар ҳам макро ҳам микро даражада иқтисодий ўсишни ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантирадиган омил ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Шу сабабли ҳам инвестиция - бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади” [2].

Замонавий шароитларда иқтисодиётнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш, барқарор иқтисодий ўсишга эришишда фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан, қулай инвестицион муҳит шакллантириш объектив заруриятга айланди.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Иқтисодий адабиётларда инвестиция муҳити ва уни шакллантириш кўплаб омилларга боғлиқ эканлиги кўрсатилган. Қулай инвестиция муҳитини шакллантиришнинг назарий асослари кўплаб хорижлик олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган бўлиб, жумладан, П.Друкер, Й.Шумпетер, Д.Хикс ва бошқаларнинг изланишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Иқтисодий барқарорликни таъминлашда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, уни таҳлил этиш ва баҳолаш масалалари МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан Смаглюкова Т.М., Анышин В.М., Есипов В.Е., Иванченко В.А., Тумусов Ф.С. ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича ёритилган. Хусусан, Россиялик иқтисодчи олимлар Бродский М. ва Костенко С. ларнинг таърифлашича: инвестиция муҳити - муайян мамлакат ёки минтақанинг турли тармоқларига узоқ ёки ўрта муддатли инвестицияларни самарали жалб қилиш ва ўзлаштириш учун яратилган шарт-шароитлардир” [4].

Райзберг Б., Лозовский Л., Стародубцева Е. ларнинг фикрига кўра: “инвестиция муҳити - бу мамлакат иқтисодиётига жалб қилинаётган ички ва ташқи инвестициялар оқимига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий ва молиявий шарт-шароитлардир” [5].

Мамлакатимиздаги кўплаб иқтисодчи олимлар жумладан, Гуломов С.С., Расулев А.Ф., Вахабов А.В., Сирожиддинов Н., Ғозибеков Д., Мустафақулов Ш. ва бошқаларнинг илмий ишларида ҳам иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ҳамда инвестицион муҳит жозибдорлигини ошириш масалаларига алоҳида урғу берилган. Жумладан, А.Вахабов, Ш. Хажибакиев, Н.Муминовлар инвестиция муҳити тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаганлар: “Инвестиция муҳити - бу хорижий капитал кўйилмаларнинг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик, ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир. Инвестиция муҳити комплекс, кўп қиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар, божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция

суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга” [6].

### **Таҳлил ва натижалар**

Ҳар бир мамлакатга инвестиция ларнинг кириб келиши ҳамда ривожланиб бориши мазкур мамлакатдаги инвестицион муҳитга таъсир кўрсатувчи омилларга бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Инвестицион муҳит муайянлигини бу борада фаолиятнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибadorлигини аниқлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитларни умумлаштирувчи хусусиятлари белгилаб беради. Инвестиция фаолиятига таъсир кўрсатувчи бу омилларнинг ўзаро боғлиқ мажмуи у ёки бу мамлакат иқтисодиётидаги ҳал қилувчи инвестицион муҳит ҳисобланади.

Фикримизча, мамлакатда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ҳамда ҳудуднинг инвестицион жозибadorлигини ошириш мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ва инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишга таъсир этувчи бир қанча омиллар мавжуд.

### **1-жадвал**

#### **Мамлакат инвестиция муҳити омилларининг тавсифи[4]**

<b>Омиллар</b>	
Келиб чиқиши мумкин бўлган хавфлар <b>(инвестиция хатари)</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>- Сиёсий беқарорлик;</li><li>- Ижтимоий кескинлик;</li><li>- Экологик хатар;</li><li>- Иқтисодий ҳолат;</li><li>- Молиявий-иқтисодий инқирозлар;</li><li>- Жинойтчилик даражаси ва бошқалар</li></ul>
Юзага чиқиши мумкин бўлган имкониятлар <b>(инвестиция салоҳияти)</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>- Ресурс-хом ашё базаси;</li><li>- Энергия салоҳияти;</li><li>- Технология;</li><li>- Инсон ресурслари;</li><li>- Ишлаб чиқариш салоҳияти;</li><li>- Рақобат шароитидаги устунлик;</li><li>- Тармоқ ихтисослашуви;</li><li>- Саноатлашув даражаси;</li><li>- Истеъмол бозори;</li><li>- Инфратузилма ва бошқалар.</li></ul>
Ҳуқуқий база	<ul style="list-style-type: none"><li>- Сиёсий мустақиллик;</li><li>- Ижтимоий ҳимоя;</li></ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;</li> <li>- Солиқ қонунчилиги;</li> <li>- Божхона қонунчилиги;</li> <li>- Банк қонунчилиги;</li> <li>- Инвестиция бўйича махсус қонунлар ва бошқалар</li> </ul>
--	---

Жадвалдан кўриниб турганидек, мамлакат инвестиция муҳити объектив имкониятларни (инвестиция салоҳияти), инвестор фаолияти учун шарт-шароитларни (инвестицион хатар) ҳамда уларни умумлаштирувчи ҳуқуқий базани ўз ичига олган.

Инвестиция хатарида мамлакатдаги сиёсий беқарорлик, иқтисодий ҳолат, ҳудуднинг экологик ҳолати ва бошқалар ўрганилади ва таҳлил этилади. Инвестиция салоҳиятида эса ҳудуднинг умумий салоҳияти ўрганилади ва баҳоланади. Ҳуқуқий базада мамлакатнинг қонунчилиги ўрганилади, жумладан, мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, солиқ ва божхона, банк қонунчилиги ва бошқалар.

Жаҳонда хориж капиталини жалб этиш бўйича мамлакатлар ўртасида кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, унинг сифати ва қулай шартларидан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан йилга инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари юзага келмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш турли хил рисклар билан боғлиқ бўлади. Инвестиция киритилиши режалаштириладиган ҳудудда инвестиция рискларни олдини олишнинг мақбул вариантини ишлаб чиқиш, уларни самарали бошқаришни ташкил этиш лозим. Маълум бир мамлакатга инвестициялар киритишда мавжуд бўладиган турли рискларни ҳисобга олишда кўпчилик хорижий инвесторлар BERI индексидан фойдаланадилар. Ушбу индекс мамлакатдаги инвестицион муҳитни турлича салмоққа эга бўлган 15 та баҳолаш мезонлари асосида ҳисоблаб чиқади. Мазкур 15 та мезон асосида инвестиция киритилиши режалаштириладиган мамлакат тўплаган балл қанчалик юқори бўлса, инвестициялашдан олиниши мўлжалланган фойда ҳам шунча юқори бўлиши, акс ҳолда инвестициялаш асоссиз ҳисобланади. BERI индексининг умумий кўриниши кўйилган:





## **1-расм. Хорижий инвестициялар учун ҳудуд инвестицион жозибadorлигини баҳолашнинг BERI индекси[6]**

Мамлакатда қулай инвестицион муҳитнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни кўриб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, давлат томонидан амалга ошириладиган инвестицион сиёсат хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида келтирилган назарий қарашлар ва маълумотлардан келиб чиққан ҳолда Республикамизда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш борасида амалга оширилаётган қуйидаги ислохотларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

- Сиёсий барқарорлик;
- Хусусий мулкни ҳимоя қиладиган мустаҳкам қонунчилик базасининг шаклланганлиги;
- Ишлаб чиқариш субъектлари орасида рақобат муҳитининг мавжудлиги;
- Инвестицион жараёнларни қўллаб-қувватлайдиган инфратузилманинг барпо этилгани;
- Юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар ҳажми тобора ортиб бормоқда. 2008 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар ҳажми 7,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилда 12,1 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. 2018 йилда эса жалб этилган инвестициялар ҳажми 2012 йилга нисбатан 2 мартага ортиб, 14,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

### **Хулоса ва таклифлар**

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида, миллий иқтисодиётда барқарор ўсишни таъминлаш ҳамда халқаро миқёсда иқтисодий жиҳатдан рақобатбардош бўла олиши мамлакатнинг фаол инвестицион сиёсат олиб бориши ва бошқа мамлакатлараро интеграцион алоқаларни йўлга қўйишига боғлиқдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлардан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш, қулай инвестицион муҳит шакллантиришда инновацион омил ҳисобланган кластерлар, жумладан инновацион кластерлар фаолиятини кенг йўлга қўйиш ҳамда кластер тузилмаларини ташкил этишни рағбатлантириш лозим. Мамлакатда инновацион муҳитни ташкилий жиҳатдан ривожлантириш ҳам ижобий натижалар беради, инновацион муҳитнинг самарали фаолияти орқали қулай инвестицион муҳит ҳам шаклланади.

Хулоса қилиб айтганда, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардош бўлишини таъминлашда, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишни давом эттириш, бизнес юритиш учун янада қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, юқори қўшимча қийматга эга юқори технологик, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, инвестицион-инновацион лойиҳаларни амалга ошириш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони // “Халқ сўзи”. 8-феврал 2017-йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”. 2018-йил 29-декабр.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий оммабоп қўлланма. Т.: “Маънавият”, 2019. - 310 б.
4. Бродский М., Костенко С. Инвестиции как источник конкурентоспособности // Ученые записки Института права С.Петербургского государственного университета экономики и финансов / Под ред. А.А.Ливревского. 2001. Вып. С.95.
5. Райзберг Б., Лозовский Л., Стародубцева Е. Современный экономический словарь. – М.: ИНФРА – М. 2000.
6. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Т.: “Молия”, 2010.



7. Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. Т.: “BAKTRIA PRESS” 2017. 319 Б.
8. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари.